

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ ИНСТИТУТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Сарвар Кадам ўғли Артиков

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратураси “Ташкилий-тактик бошқарув” йўналиш тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада дахл қилувчи жиноий жазоларни, шунингдек давлатнинг мажбурлов чораларини қўлловчи соҳаларидан бири бу - жиноят-процессуал фаолиятдир. Жиноятларни муваффақиятли очиш ва абдор шахсларни жавобгарликка тортишда ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Мана шунинг учун ҳам жиноят-процессуал фаолият одил судлов ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминловчи қоидалар билан аниқ ва муфассал тартибга солиниши зарур.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига (кейинги матнларда ЖПК) мувофиқ жиноят-процессуал фаолият терговга қадар текширув ва жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатларини олиб бориш, яъни жиноятларни тергов қилиш, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш, суд муҳокамаси, апелляция ёки кассация тартибида иш юритиш, ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этиш босқичларида амалга оширилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Давлат халқ манфаатларига хизмат қилиши билан бирга шахс ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш, хусусан жиноий тажовузлардан қўриқлаш чораларини белгилайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласида. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деб белгилаб қўйилган бўлиб, шунга асосан давлат зиммасига одил судловни амалга оширишдаги бир қатор муҳим вазифалар юклатилади. Шу фаолитялардан бири жиноят-процессуал фаолиятдир. Жиноят-процессуал фаолият давлат номидан у ваколат

берган органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

Жиноят-процессуал фаолият хусусиятига кўра турли шаклларда, шу жумладан, хусусий айблов асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам жиноят процессида одил судлов асосан жиноят ишларини суд муҳокамасида кўриш жараёнида амалга оширилади, лекин, ЖПКда судгача бўлган иш юритувга ҳам катта ўрин берилган. Одил судловни таъминлаш зарурати давлат зиммасидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шахс ва жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш вазифаси билан боғлиқ. Терговга қадар текширув ўтказиш ва жиноят ишларини тергов қилиш жиноят натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бўлиб, келгусида айбланучи томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш, уни аҳлоқан тузалиш йўлига ўтказиш ёки тарбиялашга хизмат қилиши ва кўмаклашиши зарур.

Айрим ҳолатларда жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш зарурати жиноят содир этилганлиги ва иш юритуви бошланганлиги билан бир вақтда юзага келмаслиги мумкин. Сабаби, баъзи ҳолатларда жиноят натижасида ҳуқуқлари бузилган деб қаралаётган шахс содир этган қилмиш оқибатида шикоят қилмаслиги, жиноят содир этган шахснинг жавобгарликка тортилишини истамаслиги, уни кечириши, даъво бўлмаган ҳолларда шахснинг содир этган қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги боис уни жавобгарликка тортишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли жиноят-процессуал фаолиятни давом эттиришга зарурат бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳолларда жиноят иши қўзғатишини рад қилиш ва иш юритувни тамомлаш асослари, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни, жиноят ишларини тезкорлик билан томомлаш тартиби жиноят-процессуал қонунчиликда батафсил белгиланиши лозим.

Содда қилиб айтганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ўзгаришлар жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясини ўзgartiriшга олиб келиши, бунда давлат шахсий манфаатларга қарши жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишдаги устун (монопол) мавқеидан воз кечиши керак. Шунингдек, давлат жиноят содир этган шахсга ва жабрланувига етказилган зарарни қоплаш масаласида келишиш ҳамда жабрланувчининг хоҳиш иродасидан келиб чиқсан ҳолда иш қўзғатиши ёки жиноят процессининг ҳар қандай босқичида жиноий таъқибни тугатиш имконини яратиши шарт.

Б.Б.Муродовнинг фикрига кўра, жиноят процесси ишни тугатиш институти билан боғлиқ равиша келгусида жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий-сиёсий, процессуал-хукуқий, жиноят-хукуқий ва тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра фаолиятни амалга ошириш ишни тугатишнинг ёки иш қўзғатишни рад этишнинг муайян асослари бўлганда амалга оширилиши мумкин эмас. Д.М.Миразовнинг таъкидлашича, жиноят-процессуал фаолият ишни қўзғатишнинг сабаб ва асослари мавжуд бўлганда иш қўзғатилиб амалга оширилади, шунингдек жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги, иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар аниқланганда эса иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилади. Бизнинг фикримизча, жиноят-процессуал фаолиятга берилган тарифлардан энг соддаси ва тушунарлиси шу бўлиб, унга қўшилган ҳолда фақат жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги аниқланганда иш қўзғатишни рад қилиш ва иш юритишни истисно этувчи ҳолатлар аниқланганда белгиланган тартибда жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор чиқарилишини қўшимча қилган бўлардик.

Юридик фанлар доктори, доцент Б.Н.Рашидов юқорида келтирилган тарифлардан фарқли ўлароқ, жиноят-процессуал фаолиятга анча илмий тариф бериб, уни содир этилган жиноят ҳодисаси билан боғлиқ иш юритуви, яъни терговга қадар текширув, тергов ўтказиш ва ишни судда кўриб ҳал этиш **вақт, оқибат, муносабат, чиқим ва мақсадга мувофиқлик жиҳатдан самарали бўлганида** амалга оширилишини тақозо этадиган умумижтимоий эҳтиёж деб тарифлаб ўтган.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг зарурати белгиловчи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Хусусий ёки хусусий-оммавий айловга оид ишларда фаолият диспозитив хукуқларга эга процесс иштирокчиси хукуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш нуқтаи назаридан фойдали бўлиши.
2. Одил судловни таъминлаш нуқтаи назаридан фойдали бўлиши.
3. Давлат ва жамият манфаатлари учун заарли бўлмаслиги.
4. Жабрланувчи, гувоҳ каби иштирокчиларнинг манфаатларига зиён етказмаслиги.
5. Жиноят содир этган шахсни нормал ижтимоий ҳаёт тарзига қайтаришга хизмат қилиш.
6. Жавобгарликка ёки жазога тортилаётган шахснинг яқинлари ва қарамоғидаги шахслар ёки у ишлайдиган корхона, муассаса ташкилотнинг хукуқ ва манфаатларига зарар келтирмаслиги.
7. Турли нохуш оқибатларга сабаб бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-5268-сонли Фармонида “Хуқуқни қўллаш амалиётининг тахлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижаларини умумлаштириш қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиши жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи хуқукий бўшлиқларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда. Ушбу ҳолатлар фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда эса аҳолининг асосли эътирозига, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келмоқда” дейилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Б.Г.Розовскийнинг фикрига кўра, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш жиноят ва жиноят-процессуал қонуларнинг асосий мақсадларига эришишга баъзида тўсқинлик қилмоқда. Шунга кўра, одил судловни таъминлаш мақсадига эришиш учун жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошириш зарурати ҳар қандай ҳолат учун умумий тарзда эмас, алоҳида жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ вазиятлардан келиб чиқиб мажбурий ёки ихтиёрий қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Асосан содир этилган жиноят ҳақида келиб тушган хабар, ариза ёки шикоят жиноят-процессуал фаолиятни бошлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. ЖПКнинг 325-моддасида кўрсатилган жиноятларга оид ишларда жиноят-процессуал фаолиятни давом эттириш учун жабрланувчининг шикояти мавжуд бўлиши шарт.

Жиноят процессида иш юритувини бошлашнинг оммавий ва диспозитив асослари мавжуд. Жиноят-процессуал фаолиятни бошлашнинг оммовий асосларига кўра жиноят ҳодисаси содир этилганлиги ҳақидаги ҳар бир хабар терговга кадар текширув органлари, суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан бирон-бир жисмоний ёки юридик шахс хоҳиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда атрофлича текширилиши, жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ҳолатларини, уни содир этган шахсларни аниқлаш ва айборларни жазолаш чоралари кўрилиши талаб этилади. Жиноят-процессуал фаолиятнинг оммовий асослари жиноят содир этилиши натижасида алоҳида шахснинг хуқуқ ва қонуний

манфаатларига путур етказилишини жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилиши сифатида эътироф этади. Бунда фаолият бирон бир муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг хоҳиш иродасидан қатъий назар амалга оширилиши шарт.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг диспозитив асосларига кўра эса, жиноятдан жабрланган шахснинг истагидан келиб чиқсан ҳолда текширув ва тергов амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, амалга оширилаётган иш юритуви шахс иродасига боғлик тугатилиши ҳам мумкин.

Жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилишининг ўзи фаолиятни амалга ошириш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Чунки, агар ижтимоий хавфли қилмиш ёки жиноят содир этилганидан сўнг ҳукуқлари бузилган ёки манфаатларига зарар етган шахс бузилган ҳукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб мурожаат этмас экан жиноят ишини юритишига масъул бўлган мансабдор шахслар жиноят-процессуал фаолиятни амалга ошира олмайди. Процессуал қонунчиликда айнан бузилган ҳукуқни тиклашни сўраб мурожаат қилиш эркинлиги диспозитив ҳукуқ ҳисобланади.

Ҳукуқдан фойдаланишдаги эркинлик диспозитивлик институти бўлиб, фуқаролик ҳукуқида диспозитивлик (лот. *dispositio* – фармойиш сўзидан) принцип сифатида эътироф этилади. Диспозитивлик бу – ҳукуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадидаиш юритувини бошлаш, ҳаракатлантириш ва тугатиш билан боғлик процессуал ҳукуқлардан фойдаланиш эркинлигидир. Диспозитивлик принципига кўра жиноят-процессуал фаолиятни бошлашда, давом эттиришда ёки тугатишда ҳукуқи бузилган деб қаралаётган шахснинг ихтиёридан келиб чиқиб ҳаракатланиш зарурлиги қонунда белгиланиши ва унга амал қилиниши керак. Е.Н.Никифорованинг таъкидлашича, диспозитивлик муҳитида фуқаронинг шахсий манфаатлари давлат манфаатларига қараганда қадрлироқ ҳисобланади. Жиноят процессида хусусий айлов диспозитивликнинг асосий қисмини ташкил этиб, жабрланувчининг жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ҳақидаги талаби асосида амалга оширилса, диспозитив ҳукуқлар процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан ўзининг процессуал ҳукуқларидан фойдаланишдаги эркинлигини ҳам қамраб олади. Хусусий айловнинг мазмунини чуқурроқ англаш учун аввало айловнинг моҳияти ҳақида сўз юритиши лозим бўлади.

Айлов деганда, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар (уларнинг вакиллари), суриштирувчи, терговчи ва

прокурорнинг жиноятни очиш, жиноят содир этган шахснинг жавобгарлиги хақидаги масала судда тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу шахснинг айби мавжудлигини исботлашга қаратилган процессуал фаолияти тушунилади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида айлов ким томонидан ва қандай шаклларда амалга оширилишига кўра уч турга ажратилади: 1) хусусий айлов; 2) оммовий (давлат) айлови; 3) аралаш (хусусий-оммавий ёки оммавий-хусусий) айлов.

Хусусий айлов тушунчасини кенг ва тор маъноларда тушиниш мумкин. Хусусий айлов деганда тор маънода фақат жабрланувчининг шикояти бўлганида қўзғатиладиган, жабрланувчи (ёки унинг вакили)нинг талаб-ҳохиши асосида юритиладиган жиноятларга оид ишларда жабрланувчи ёки унинг номидан вакили (адвокати) қувватлайдиган айлов тушунилса, кенг маънода хусусий айлов (институти) жабрланувчининг даъвоси (шикояти) асосида қўзғатиладиган, тергов қилинадиган ва суд муҳокамаси ўтказилиб, иш мазмунан ҳал этиладиган, шунингдек, жабрланувчининг шикоят бермаганлиги асосида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва берган аризаси асосида иш қўзғатилганидан сўнг ушбу даъвосидан воз кечганида ишни тугатиш билан боғлиқ иш юритуви жараёнлари тушунилади.

Хусусий айлов тоифасига кирувчи ишларни юритишнинг алоҳида тартиби белгилаб қўйилганлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан бирини англатади. Шунингдек, бу тоифадаги ишларнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, бундай тоифадаги ишлар бўйича тергов ўтказилмайди.

Суд-хуқуқ ислоҳотлар натижасидан маълум бўлмоқдаки, бу ислоҳотлар натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик либераллаштирилмоқда. Хусусан, давлатнинг жиноий-хуқуқий сиёсатидаги оғир жазо чораларини қўллашдан воз кечиш, жиноят содир этган шахсларда содир этган қўлмишига пушаймонлик хиссини уйғотиш, жиноят натижасида етказилган зарап ва бошқа оқибатларнинг бартараф этилишини таъминланишига эришишнинг устуворлик касб этаётганлиги, шунингдек жиноят ишларини юритишни, яъни жиноий таъқибни бошлашда шахс эрки ва иродасини устунлигини тан олиш, шунга асосан жиноят ишларини юритиш тартибини соддалаштиришга қаратилган ўзгаришлар жорий этилмоқда. Ушбу ўзгаришлар каби хусусий айлов шаклида иш юритишни такомиллаштириш суд-тергов амалиётидаги зарурый институтлардан бири ҳисобланади. Хусусий айлов шаклида иш юритишнинг тартиби ўз ичига хусусий айлов шаклида иш юритувини бошлаш асослари, жабрланувчининг шикояти

мазмуни, судга қадар иш юритувининг мажбурий эмаслиги, ўтказилиши зарур бўлганда қисқартирилган тартибда бўлиши, суд жараёнининг соддалиги, шикоятни қайтариб олиш мумкинлиги, жабрланувчи шикоятдан воз кечганда ярашув ҳеч қандай шартларсиз мумкин бўлиши, ҳукм чиқариш хусусиятларини қамраб олиши зарур.

ХУЛОСА

Юқоридаги таҳлилларга кўра, хусусий айблов институтининг аҳамияти қўйидагиларда ифодаланади: 1) жиноят процесси иштирокчиси бўлган жабрланувчи (вакили)нинг хоҳиши ва талаблари биринчи навбатда инобатга олиннишини таъминлайди; 2) жиноят ишларини юритуви жараёнида демократик ва инспонпарварлик тамойилларига амал қилинишига хизмат қиласди; 3) катта аҳамиятга эга бўлмаган ва смарасиз бўлган айбловни бошламасликка ёки тутатишга хизмат қиласди; 4) давлат органларининг куч ва воситаларини тежашга ва терговга қадар текширувни амалга оширишга ваколатли бўлган органларнинг фаолияти самарадорлигини ошишига хизмат қиласди; 5) жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий заарларни тез ва самарали бартараф этилишига эришиш имкониятларини оширади; 6) жиноий жавобгарликка тортилиши оқибатида шахснинг хуқуqlари чекланиши мумкин бўлган ҳолатларни олди олинади; 7) давлатнинг жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш соҳасидаги сиёсатини либераллаштирилаётганлигининг ифодаси ҳисобланади; 8) жиноят ҳодисаси билан боғлиқ низоларни қисқа муддатларда ҳал этиш имкони яратилади; 9) жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни замон ва ҳалқаро талабларга мувофиқлашувини таъминлайди; 10) кечириш тамойили асосида ноижобий ҳулқ-атворга эга фуқароларни ижобий ижтимоий йўналтиришга самарали таъсир қиласди.

Хусусий айблов институтининг юқорида саналган бир нечта ижобий жиҳатлари мавжудлигини, хусусий айблов институти доираси таъсирига тушадиган жиноят билан боғлиқ низоли вазиятларда тезкорлик билан ечим топишга имконият беришини ҳисобга олган ҳолда ушбу институтни қўллашда қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишига эришиш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу кафолатлар қонунчиликда акс эттрилиши орқали хусусий айблов институтини янада кенгайтириш ва юқори самарадорликка эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

REFERENCES

1. Б.Акрамходжаев. Хукуқни тикловчи одил судловга томон кескин бурилиш юз бергани йўқ. // Ҳукуқ-Право-Law, 2004. №2 (26). – Б.40-43
2. Э.Х.Нарбутаев. Преступление и уголовный процесс: преспективы развития уголовного и уголовно-процессуального законодательства: монография. – Т.:Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – С.78
3. Б.Б.Муродов. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016 . –Б.12.
4. Jinoyat-protsessual huquqi. Maxsus qism// Mualliflar jamoasi. Т.: TDYU nashriyoti, 2018., 44-45-b.
5. Б.Н.Рашидов. Жиноят процессида хусусий айблов: назария ва амалиёт: юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2021, Ўз.Рес. ИИВ Академияси, - Б.23.
6. Розовский Б.Г. Ненаучные заметки о некоторых научных проблемах уголовного процесса: Эссе. –Луганск: РИО ЛАВД, 2004. С- 217-330. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: : юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2018, - Б.67-69.
7. Диспозитивлик (латинча *dispone* – бошқариш, тартибга солиш) – бу хукуқдаги асос бўлувчи принцип бўлиб, унга кўра шахс ўзига тегишли хукуқларидан эркин тарзда фойдалана олади. Большая Российская энциклопедия / - URL: <https://w.histrf.ru/articles/article/show/dispozitivnost>.
8. Дикарев И.С. Диспозитивность в уголовном процессе России [Текст]/ под ред. проф. А.П.Кругликова.- Волгоград: изд-во Вол ГУ, 2005. С.5-9
9. Никифорова Е.Н. Диспозитивные начала в уголовном процессе Республики Узбекистан // Ҳукуқ-Право-Law. 2002. №2.- С.64.